Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 77 (9313). • 1988 йил 16 апрель • Баҳоси 3 тийин.

ШАНБА СОНИ

## КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси ўзининг 14 апрель куни бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида КПСС Марказий Комитетининг меҳнаткашлар халқаро бирдамлик куни муносабати билан Биринчи май Чақириқларини тасдиқлади.

Мажлисда КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг Ўзбекистон ССРга сафари тўғрисидаги ахбороти муҳокама қилинди. Марказий иқтисодий идоралар, министрликлар ва ВЦСПСга учрашувлар ва суҳбатлар чоғида меҳнаткашлар, партия ва хўжалик активлари илгари сурган масалаларни кўриб чиқиш таклиф этилди. Айни вақтда республиканинг иқтисодий потенциалидан фойдаланишни яхшилаш ва шу асосда уни социал-иқтисодий ривожлантиришни юксалтириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди. Тегишли таклифларни КПСС Марказий Комитетида кўриб чиқиш учун тақдим этиш топширилди.

Мамлакатда халқ таълимини ташкил этиш ва уни бошқариш структураси тўғрисидаги таклифлар кўриб чиқилди ва маъқулланди. КПСС Марказий Комитетининг 1988 йил февраль Пленуми йўл-йўриқларига мувофиқ бошқарувнинг янги структураси бу соҳада ягона давлат сиёсати янада самаралироқ ўтказилишини таъминлаши керак.

Янги тузилган СССР халқ таълими иттифоқ-республика давлат комитети зиммасига ўқитиш ва тарбия соҳасида стратегияни ишлаб чиқиш, прогнозлаш ва истиқболли планлаштириш вазифаси юкланади. Мазкур комитет умумий ўрта таълим концепциясини шакллантириш ва амалга ошириш, ўқув юртларининг ишлаб чиқариш ва фан билан интеграцияси самарали шаклларини кенг қўллаиш, ўрта ва олий мактабни ўқитишнинг замонавий техник воситалари билан жиҳозлаш, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш системасига илмий-методик ва ташкилий раҳбарлик қилиш, олий ўқув юртлари илмий потенциалидан фойдаланишни яхшилаш вазифаларини ҳал этиши керак. Халқ таълимини бошқариш маҳаллий органлари, ўқув тарбия муассасаларининг ҳуқуқ-

(Давоми 2-бетда)

# ПАХТАКОРЛАР ЗАРБДОР ВАХТАДА



● БЕКОБОД районидаги Мавлонов номли совхоз меҳнаткашлари Бутуниттифоқ Коммунистик шанбалигини кўтаринки кайфиятда ўтказмоқдалар. Хўжаликнинг барча бригадаларида чигит экиш ва бошқа дала ишлари уюшқоқлик билан давом этмоқда. Ўн иккинчи беш йилликнинг учинчи йилида совхоз деҳқонлари 2242 гектар ерга чигит экиб ҳосилдорликни гектар бошига 25 центнерга етказишга ва давлатга 5630 тонна юқори сифатли хом ашё топширишга аҳд қилишган.

Ҳозирги бутун диққат-эътибор уруғликни оби-тобида сифатли экиб олишга қаратилган. Бу тадбирни совхозда ўн иш кунида якунлаш режаланган. Айни пайтда далаларда 36 та экиш агрегати юксак унум билан ишлатилмоқда. 1988 йилда совхозда меҳнатни ташкил этишнинг бригада ва оила пудрати формалари ҳам кенг қўлланилмоқда. Ҳозиргача 31 бригада ва 53 оила пудрат асосида меҳнат қилиш истагини билдирди.

Суратларда: (юқорида) хўжаликнинг биринчи бўлимидаги 2-бригадада чигит экиш пайти; навбатдаги агрегат чигит экишга тайёрланмоқда.





А. МАЛЬЦЕВ фотолари.

# КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида

(Давоми. Боши 1-бетда).

лари кенгайтирилади. Бошқарув аппарати сонини анча қисқартириш кўзда тутилган.

Мажлисда М. С. Горбачевнинг Афғонистон Республикаси президенти Нажибулло билан 7 апрель куни Тошкентда бўлиб ўтган учрашуви тўғрисидаги ва Э. А. Шеварднадзенинг 3—6 апрель кунлари Қобулга амалий визити чоғида Афғонистон раҳбарлари билан олиб борган музокаралари натижалари ҳақидаги ахборот тингланди. Совет — Афғонистон ҳамкорлиги ва ҳамжиҳатлигини ривожлантиришнинг боришидан, жумладан Афғонистон муаммосининг ташқи жиҳатлари бартараф қилинишидан мамнуният изҳор этилди. Женева дипломатик жараёнининг якунланиши ва Афғонистон теварагидаги аҳвол сиёсий йўл билан бартараф этилганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар имзоланиши бунинг натижаси бўлди.

Олий даражадаги Совет —Афғонистон учрашуви чоғида қабул қилинган Совет — Афғонистон қўшма баёноти шу учрашув якуни бўлди. Учрашув иккала томон бундан буён ҳам Афғонистон теварагидаги вазиятни ҳар томонлама бартараф этишга эришиш йўлида қатъият билан ҳаракат қилишга интилаётганлигини тасдиқлади. Эндиликда Женевада эришилган аҳдномалар асосида Афғонистон муаммосининг ички жиҳатларини ҳал этиш алоҳида аҳамият касб этади. Мазкур муаммони ҳал этишга ёндашув баёнотда аниқ-равшан белгилаб берилган, унда Афғонистондаги миллий яраш йўли, кенг коалиция негизида ҳукумат тузиш сабот ва қатъият билан қўллаб-қувватланиши ва бунда Афғонистон ичкарисидаги вазиятни бартараф этиш масалалари фақат афғонларнинг ўзларига тегишли ва уларнинг алоҳида ҳуқуқи эканлиги айтилди.

Сиёсий бюро М. С. Горбачевнинг ЧКП Марказий Комитети Президиуми аъзоси, ЧССР Президенти Г. Гусак билан суҳбатлари ва А. А. Громиконинг у билан олиб борган музокаралари якунларини кўриб чиқди ва маъқуллади. Мазкур визит чоғида амалга оширилган ишларнинг фойдали бўлганлиги, СССР билан ЧССР ўртасидаги қардошларча дўстлик ва сиёсий иттифоқни мустаҳкамлашнинг муҳимлиги таъкидланди. Қайта қуриш ва демократиялаш йўли турли соҳаларда Совет-Чехословакия ҳамкорлиги имкониятларини рўёбга чиқариш, Совет Иттифоқи ва Чехословакия халқларини маънавий жиҳатдан яқинлаштириш учун принципиал янги шароит яратади, деб қатъий ишонч билдирилди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси М. С. Горбачевнинг амалий визит билан СССРга келган ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ПХР Министрлар Советининг Раиси З. Месснер билан суҳбати ва Н. И. Рижковнинг у билан олиб борган музокаралари якунларини маъқуллади. Визит чоғида эришилган аҳдномалар мукаммал ишлаб чиқариш ва технология кооперацияси, иқтисодий ҳамкорликнинг янги илғор шаклларидан кенг фойдаланиш асосида интеграция алоқалари самарадорлигини ошириш учун яхши замин яратади. Мажлисда 1987 йил апрель ойида имзоланган идеология, фан ва маданият соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Совет-Польша декларацияси қоидаларини амалга ошириш юзасидан куч-ғайратларни активлаштириш муҳимлиги таъкидланди.

КПСС ва ПБИП ўртасидаги, иккала мамлакат халқлари ўртасидаги қардошларча дўстликни янада мустаҳкамлаш, Совет-Польша муносабатлари бутун комплексини ривожлантириш ва такомиллаштиришда М. С. Горбачевнинг Польшага бўлажак визити принципиал муҳим аҳамиятга эга бўлиши таъкидланди.

Мажлисда М. С. Горбачевнинг социалистик интернационал раиси, Германия Социал-демократик партиясининг фахрий раиси В. Брандт билан учрашуви тўғрисидаги, шунингдек А. А. Громико, А. Ф. Добрининнинг В. Брандт билан бўлиб ўтган суҳбатлари тўғрисидаги ахборот тингланди. КПСС ва социалистик интернационал коммунистлар ва социал демократлар, Европадаги бошқа сўл ва демократик кучларнинг ҳамжиҳатлиги қуролсизланиш, бутун Европада чинакам ҳамкорликни йўлга қўйиш, «Шимол-Жануб» муносабатлари, регионлардаги можаролар сингари проблемаларни ҳал этишнинг сиёсий йўлларини муҳокама қилиш ва қидиришга амалий омил бахш этишга қодир эканлиги уқтириб ўтилди.

Сиёсий бюро М. С. Горбачевнинг Москвага қисқа муддатли амалий визит билан келган Фаластин Озодлик Ташкилоти ижроия комитетининг раиси Я. Арафат билан суҳбати, шунингдек Э. А. Шеварднадзе ва А. Ф. Добрининнинг Я. Арафат билан музокаралари якунларини маъқуллади, янгича сиёсий фикрлаш, барча томонларнинг манфаатлари мувозанатини таъминлаш принципи ҳамда можаронинг барча жиҳатларини амалий ва ўзаро мақбул тарзда ҳал этиш йўлларини қидириб топиш принципи асосида Араб-Исроил можаросини ҳал этишга ёндашувнинг тўғрилигини тасдиқлади. Сиёсий бюро ҳозир Яқин Шарқдаги аҳволни ҳар томонлама бартараф этишга эришиш учун яна ҳам қулайроқ шарт-шароит вужудга келаётганлигини таъкидлаб, шу мақсадда Яқин Шарқ хусусида халқаро конференцияни тезроқ чақириш учун куч-ғайратларни, жумладан БМТ доирасидаги куч-ғайратларни янада кўпайтириб бориш зарурлигини уқдириб ўтди.

Л. Н. Зайков бошчилигидаги Совет Иттифоқи делегациясининг дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги Совет-Финляндия шартномасининг 40 йиллиги муносабати билан Финляндияда ўтказилган тадбирларда иштироки якунлари кўриб чиқилди. Шартнома амал қилиб турган 40 йил мобайнида Совет-Финляндия ҳамкорлиги соҳасида тўпланган тажриба халқаро ҳамжамиятнинг ядросиз зўравонликдан холи дунёни бунёд этишга қаратилган куч-ғайратларига мамлакатларимиз ва халқларимиз қўшган салмоқли ҳиссадир, деб таъкидланди. Л. Н. Зайковнинг Финляндия Президенти М. Койвисто, Финляндиянинг бошқа раҳбарлари, шу мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ва савдо-саноат доираларининг вакиллари билан ўтказилган суҳбатлари натижалари маъқулланди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида совет экономикасини ривожлантириш ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашнинг бошқа айрим масалалари ҳам муҳокама қилинди.

# НОВАТОРЛАР ИЖОДИЁТИГА— ЖАДАЛЛАШТИРИШ КАФОЛАТИ

## БУТУНИТТИФОҚ ИХТИРОЧИЛАР ВА РАЦИОНАЛИЗАТОРЛАР ЖАМИЯТИНИНГ VII СЪЕЗДИ

Мамлакат ихтирочилари ва рационализаторларининг кўп миллион кишилик отряди жамоат ишлаб чиқариши самарадорлигини оширишга сезиларли ҳисса қўшмоқда. Кейинги беш йил ичида ихтирочилар ва рационализаторларнинг ихтиролар ва рационализаторлик таклифларидан халқ хўжалигида олинган тежам қарийб 18 процент кўпайиб, 39 миллиард сўмгача борди. Аммо шу жамоат ташкилотининг самараси замон талабларига тўла йўсинда мос келмаётир. Бутуниттифоқ ихтирочилар ва рационализаторлар жамиятининг 14 апрель куни Москвада Катта Кремль саройида очилган VII съезди шу ташкилотнинг мамлакат экономикасини ривожлантиришга қўшадиган ҳиссасини кўпайтириш йўлларига асосий эътибор бермоқда.

В. И. Долгих, Н. В. Талызин, О. Д. Бакланов ўртоқлар президиумга чиқдилар. КПСС Марказий Комитетининг, СССР Министрлар Советининг масъул ходимлари, бир қанча министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, олимлар, ишлаб чиқариш илғорлари ҳам президиумга чиқдилар. Съездда қардош социалистик мамлакатлар ва бошқа чет мамлакатлардан келган меҳмонлар, халқаро ташкилотларнинг вакиллари иштирок этмоқдалар.

ВОИР Марказий кенгашининг раиси Е. И. Тюрин кенгаш иши тўғрисида ҳисобот доклади қилди.

Бутуниттифоқ ихтирочилар ва рационализаторлар жамияти тузилганидан бери ўтган ўттиз йил ичида у мамлакатнинг энг оммавий техникавий ташкилотига айланди ва унинг сафларида ўн тўрт миллиондан кўпроқ киши бор, деди докладчи. Новаторларнинг қўшган ҳиссалари салмоқли: масалан, кейинги беш йил ичида 119 мингта ихтиро жорий этилдики, у ўтган ҳисобот давридан анча кўпдир.

Нотиқ эришилган ютуқларга муносиб баҳо берар экан, кейинги вақтларда ихтирочилик ва рационализаторлик ишларида салбий тенденциялар айниқса сезилаётганлигини кўряпмиз, деди. Ишчилар, инженер-техник ходимлар ва олимлар орасида ихтирочилик ва рационализаторлик ижодиётининг нуфузи анча тушиб кетди, ихтирочилик активлиги пасайиб кетди. Техникавий янгиликлардан фойдаланиш муддатлари ва кўламларида сезиларли ўзгаришлар бўлмаяпти.

Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, ихтирочилик ва рационализаторлик ишларининг ҳаммасини тубдан қайта қуриш, уни интенсив ривожланиш йўлига ўтказиш, тўғаноқ солиш механизмини қатъиян бартараф этиш зарурати етилганлиги равшан.

ВОИР ташкилотлари КПСС XXVII съезди қарорларини бажара бориб, новаторларнинг қимматли ишланмаларини жорий этишга ўз таъсирини кучайтирди, бундай ишланмаларни танлаб олиб, уларни фан ва техника тараққиёти планларига киритди, кўпдан бери жорий этилмай келаётган ихтироларни инвентаризация қилди. Тармоқлараро тусдаги катта-катта ихтироларни халқ хўжалигига жорий этиш борасидаги ишларни чаққон кўриб чиқиш ва бу ишларни ташкил этиш учун шароитлар яратиш мақсадида ВЦСПС ҳамда СССР Госплани ҳузуридаги ВОИР Марказий кенгаши ташаббуси билан идоралараро комиссиялар тузилди.

Нотиқ КПСС Марказий Комитетининг 1988 йил февраль Пленуми мамлакатда кенг қамровли узлуксиз таълим системасини яратиш зарурати таъкидлаб, меҳнаткашларни ихтирочилик, рационализаторлик ва патент лицензия ишлари асосларига ўргатиш шундай системанинг бир қисми бўлиб қолмоғи керак, деди.

Нотиқ новаторлар ҳуқуқлари ва манфаатларини пухта ҳимоя қилиш системаси ВОИР ишини қайта қуришнинг муҳим кафолати бўлиши керак, деб таъкидлади. ВОИР Марказий кенгаши шу ишнинг асосий ташкилий, методик ва молиявий принципларини белгилаб берган. Аммо авторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш системасининг бундан буёнги ривожланиши СССРнинг ихтиролар тўғрисидаги қонуни қандай бўлишига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Бундай қонуннинг зарурлиги ўтган съезддаёқ гапирилганди. Шу жуда муҳим ҳужжатни тайёрлаш учун масъул ташкилотлар қонун лойиҳасини ишлаб чиқишни жуда чўзиб юборди.

Қонун корхоналар, шунингдек ихтирочиларнинг техника янгиликларини жорий этишдан социал-иқтисодий манфаатдорлигини таъминлаши, ихтирочининг обрў-эътиборини анча ошириши, унинг ижодий фаолияти учун алоҳида қулай шароитлар яратиб бериши керак.

Съезд ВОИРнинг янги таҳрирдаги уставини кўриб чиқиши лозим. Мамлакат экономикаси ва ижтимоий ҳаётида рўй бераётган чуқур ўзгартишлар уни ишлаб чиқиш заруратини тақозо этди.

ВОИР Марказий кенгаши ревизия комиссиясининг раиси А. М. Жлудко комиссиянинг ҳисобот докладини қилди.

Шундан сўнг музокаралар бошланди. Съезд ўз ишини давом эттирмоқда.

(ТАСС).

# ПАРТИЯ ХОДИМЛАРИНИНГ СЕМИНАР КЕНГАШИ

Ангренда область шаҳар ва район партия комитетлари иккинчи секретарларининг кўчма семинар кенгаши бўлди. Семинарда КПСС Марказий Комитетининг «Партияга қабул қилиш ва партия сафларини мустаҳкамлаш борасида Тошкент область партия ташкилотининг ишидаги жиддий камчиликлар тўғрисида»ги қарори қандай бажарилаётганлиги таҳлил қилинди. Область партия комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудири Р. Қ. Турсуновнинг 1988 йил 1 квартал якунлари бўйича область партия ташкилотининг состави тўғрисидаги ахбороти тингланди.

Октябрь район партия комитетининг иккинчи секретари А. Е. Викторов, Тошкент район партия комитетининг иккинчи секретари В. В. Шамугия, Ангрен шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари О. Т. Турғунов партия сафларини мустаҳкамлаш ва сифатини яхшилаш юзасидан жойларда олиб борилаётган ишлар тўғрисида гапириб бердилар.

Область партия комитети енгил саноат ва халқ истеъмоли товарлари бўлими мудири К. М. Йўлдошева халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш ва хизмат тармоқларини Комплекс ривожлантириш программаси қандай бажарилаётганлиги тўғрисида ахборот берди. Семинар қатнашчилари Ангрен саноат корхоналари ишлаб чиқараётган халқ истеъмоли товарлари кўргазмасини кўздан кечирдилар, бир қатор савдо, умумий овқатланиш ва хизмат кўрсатиш объектларини бориб кўрдилар, шаҳарда кооперативлар тармоғи қандай ривожланаётгани ҳақида танишдилар.

Семинарда Тошкент область партия комитетининг иккинчи секретари Р. А. Попов нутқ сўзлади.

# Область ҳушёрлик учун кураш кўнгилли жамиятининг конференцияси

Кеча область ҳушёрлик учун кураш кўнгилли жамиятининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда жамият раиси А. Қаюмов ҳисобот докладини қилди. Докладчи ва музокарада сўзга чиққан нотиқлар кўнгилли жамият ташкил этилгандан буён ўтган икки ярим йил давомида жамият ва унинг бошланғич ташкилотлари, активлари томонидан ичкиликбозликка қарши кураш, соғлом турмуш тарзи учун олиб борган хайрли ишлари билан бирга бу борада йўл қўйиб келинган камчиликларга тўхталиб ўтишди. Улар, айниқса, ишлаб чиқариш корхона коллективлари ўртасида ичкиликбозликка қарши курашишда бошланғич жамият активларининг таъсири сезилмаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтишди.

Конференцияда ҳушёрлик учун кураш кўнгилли жамияти Тошкент области кенгашининг янги состави ҳамда ревизия комиссияси сайланди. А. П. Қаюмов область кенгашининг раиси қилиб сайланди.

Конференция ишида область партия комитетининг иккинчи секретари Р. А. Попов иштирок этди ва сўзга чиқди.

(Конференция ҳақидаги батафсил ҳисобот газетанинг навбатдаги сонларидан бирида берилади).

# ҚИСҚАЧА СУҲБАТ

Америка — Совет савдо-иқтисодий кенгаши мажлисининг қатнашчилари учун ўтказилган қабул вақтида, 13 апрель кечқурун М. С. Горбачев АҚШ савдо министри У. Верити билан яккама-якка суҳбатлашди. Қисқача суҳбатда жаҳон экономикасининг энг муҳим масалалари ҳамда Совет-Америка иқтисодий алоқаларини яхшилаш имкониятлари, бу соҳадаги мавжуд муаммолар ва тўсиқлар ҳақида гапирилди.

(ТАСС).

## ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИ ВА ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИДА

Тошкент область партия комитети ва область ижроия комитети партия ва совет органларида узоқ йиллар, самарали ишлаганлиги ҳамда туғилган кунига 50 йил тўлиши муносабати билан Тошкент шаҳар халқ контроли комитети раиси Ҳожиакбар **Камоловни** Тошкент область партия комитети ва область ижроия комитетининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

# «БУЮК ПОЧИН» АНЪАНАЛАРИГА САДОҚАТ




## ОЛДИНГИ САФДА

● НАРИМАНОВДАГИ «Иргидромаш» заводининг 1200 нафардан ортиқ ишчи-хизматчиси шанбаликда қатнашиб, 38,6 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаради. Корхонанинг илғор Петр Ишков бошчилигидаги бригадаси аъзолари шу куни топшириқни 120 процент қилиб бажаришга аҳд этишган. Ушбу суратда шу бригада аъзоларини кўриб турибсиз.

А. ЗУФАРОВ фотоси.

## МАЪМУРИЙ БИНО ЎРНИДА КАСАЛХОНА

ЯНГИЙЎЛЛИК комсомоллар бугунги шанбаликда фаол қатнашдилар. Уларнинг зарбдор отряди район ички ишлар бўлимининг собиқ биносини ремонт қилади. Бу ерда шаҳар болалар касалхонаси ташкил этилади. Комсомолларнинг яна бир группаси бино атрофида ободонлаштириш ишлари билан банд бўлади. Улар бўлажак шифохона ён-атрофини чиқиндилардан тозалаб, мевали ва манзарали дарахтлардан иборат боғ барпо қиладилар.

А. СУЧКОВ,
область комсомол комитети ишчи ва қишлоқ ёшлари бўлими мудири.

## ЧИРЧИҚЛИКЛАР ҚАРОРИ

ЧИРЧИҚ металл конструкциялари заводи ишчи-хизматчилари доҳиймиз В. И. Ленин туғилган куннинг 118 йиллиги муносабати билан ўтказилаётган шанбаликка катта тайёргарлик кўришди. Заводнинг биринчи ва иккинчи участкалари коллективи шу куни 48 тонна металл конструкциялари ишлаб чиқаради. Бу кундалик нормадан беш тонна кўпдир. Бундан ташқари давлатга 30 тонна металлолом топширилади, кўплаб мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилиб, ободонлаштириш ишлари амалга оширилади.

Шанбаликда 258 нафар ишчи-хизматчи томонидан ишлаб топилган 2750 сўм маблағ заводнинг социал тараққиёти учун сарфланади.

Г. ЙЎЛДОШЕВА.

## ШАҲАРЛИКЛАР ҲАШАРДА

ОЛМАЛИҚ шаҳри меҳнаткашлари ҳар йили нишонланадиган умумхалқ ҳашарида фаол иштирок этишяпти. Мухбиримиз М. Қосимова шаҳар партия комитети саноат бўлими инструктори, шанбалик штаби аъзоси В. Б. ЮКОВГА бир неча савол билан мурожаат қилиб, тайёргарлик ишлари ҳақида гапириб беришни сўради.

**— Виктор Борисович, олмалиқликлар меҳнат байрамига қандай ҳозирлик кўришди!**

—Олмалиқ—йирик саноат маркази. Бу ерда ўнлаб замонавий корхоналар, қурилиш ташкилотлари, муассасалар бор. Шаҳримиз йилдан йилга ободонлашиб бораяпти. Бунда ишлаб топилган маблағнинг асосий қисми социал маиший объектлар қурилишига сарфланаётган умумхалқ ҳашарлари ҳам катта роль ўйнаяпти. Шунинг учун бу йил ҳам уни уюшқоқлик билан ўтказиш, юксак меҳнат кўрсаткичларига эришиш учун катта тайёргарлик ишларини олиб бордик. Жойларда шанбалик штаблари тузилиб, бажариладиган ишлар ҳажми белгилаб қўйилди.

**— Қандай меҳнат кўрсаткичларига эришиш кутиляпти!**

— Саноатчиларимиз пландан ташқари 475 минг сўмлик маҳсулот тайёрлашни планлаштиришган. Бу халқ хўжалиги учун зарур бўлган кўплаб тонна металл прокати, қимматли аммофос ўғити ва бошқа маҳсулотлардир. Ҳозир аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган кенг истеъмол товарларини кўпайтиришга катта эътибор берилаяпти. Коммунистик шанбалик куни 425 минг сўмлик шундай буюмлар ишлаб чиқарилади.

**— Олмалиқ бунёдкорлари, транспортчилари қандай ишларни режалаштиришган!**

— Ҳозир шаҳримизда уй-жой, маданий-маиший объектлар қурилишига эътибор тобора кучайтирилмоқда. Бу борадаги ишлар ҳажми ва суръати ошмоқда. Бинокорларимиз 210 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажаришади. Транспортчиларимиз эса 75 минг тоннадан ортиқ халқ хўжалиги юкларини белгиланган манзилларга етказиб беришади. Кўплаб меҳнат коллективлари шу куни тежалган хом ашё ва материаллар билан ишлашади. Меҳнат байрамидан тушган иш ҳақининг 70 минг сўмини беш йиллик фондига ўтказиш назарда тутилмоқда.

**— Ободонлаштириш юзасидан нималар қилинади!**

— 35 минг нафардан ортиқ шаҳарликлар шундай хайрли ишларда банд бўладилар. Шаҳар территорияси участкаларга бўлиниб, уларни ободонлаштириш, тартибга келтириш, кўкаламзорлаштириш муайян меҳнат коллективларига бириктиб қўйилди. Умуман ободонлаштириш ишлари бошлаб юборилганига анча бўлди. Ерларни чиқиндилардан тозалаш, юмшатиш салкам бир ойдан бери давом этмоқда. Бунда ишчи-хизматчилар қатори шаҳримиз мактаб, ҳунар-техника билим юртлари талабалари ҳам иштирок этишяпти. Улар ўз мактаблари ва уларнинг атрофида тозалаш, кўкаламзорлаштириш ишлари билан шуғулланишади. Айни вақтда кўплаб тонна металлолом ва қоғоз чиқитлари ҳам йиғиб берадилар.

Бир сўз билан айтганда шанбалик зўр уюшқоқлик ва самарали ўтишига эришилади.

## МЕТРОСОЗЛАР АҲДИ

Беш йиллик фондига 13 минг сўм ўтказамиз, бу пулнинг ярмини шанбаликда ишлаб топилган фойда ташкил этади — «Ташметрострой» коллективи ана шундай қарор қабул қилди.

Тошкент метросозлари бугунги шанбаликда анъанани «бузишга» аҳд қилдилар: шу вақтгача умумиттифоқ фондига иш ҳақидангина пул ажратиларди. Ўзини ўзи пул билан тамъинлашга ўтган метросозлар энди бу ишга катта ҳисса қўшишлари мумкинлигини ҳисоблаб чиқдилар.

— Шанбаликда ишчиларимиздан 2 мингдан ортиқ киши Ўзбекистон йўлининг иккинчи навбати қурилишида ишлайди, — деди трест партия комитети секретари Х. Мусаев. — Унинг узунлиги 4 километрдан кўп. Бу йил биз учун анча муваффақиятли келди: миллион сўмлик нормадан ортиқча материаллардан халос бўлдик, жарима тўлашдан қутилдик, молиявий аҳволимиз яхшиланди.

Одатдагидан 20 минг сўмлик кўп—юз минг сўмлик иш бажарилади. Ишчиларимиз янги линияларнинг барча станцияларида — Ғафур Ғулом номли, «Тинчлик», «Чорсу», «Беруний» станцияларида меҳнат қилишади. Кавлаш ишлари билан бирга тайёр участкаларда йўл қурилиши давом эттирилади. Г. Люстер, Г. Гостенин, Б. Мухин бригадалари смена топшириғини бир ярим баравар бажариб, рекорд даражада меҳнат унумдорлигига эришиш ниятидалар.

Навбатдаги линия 1990 йилнинг 7 ноябрида ишга тушади. У марказни «Эски шаҳар»нинг Студентлар шаҳарчаси, «Юбилейний» спорт саройи районлари билан боғлайди. У ердан эса маршрут автобуслари саноқли дақиқаларда йўловчиларни рақамиш даҳасига элтиб қўяди. Беш йиллик охирида Тошкент метроси линияларининг узунлиги 32 километрга етади.

«Ташметрострой»нинг ўнлаб меҳнатчилари шанбаликни Москвада, мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларида ўтказадилар. У ерда метросозларимиз ўз ҳамкасбларига ер ости поездлари учун янги линиялар ётқизишда ёрдам берадилар.

(ЎзТАГ).

## Болалар фондига

«УЗБЕКГЕОФИЗИКА» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида 3,5 минг нафардан ортиқ геолог ва инженер-техник ходимлар меҳнат қилишади. Уларнинг кўпчилиги бугун — умумхалқ ҳашари куни ўз меҳнат постларини эгаллашади. 900 киши хўжалик йўли билан барпо этаётган 16 квартирали турар-жой биноси ва илмий ҳисоблаш маркази қурилишида иштирок этади.

Шу кунги тушган иш ҳақининг 15 минг сўми беш йиллик фондига, 4 минг сўми эса В. И. Ленин номидаги болалар фондига ўтказилади.

А. ЭРГАШЕВ,
Оржоникидзе райони.

## ҲИММАТ

ЗАВОД ишчи-хизматчилари улуғ доҳий В. И. Ленин туғилган куннинг 118 йиллигига бағишлаб Коммунистик шанбалик ўтказиш тўғрисидаги ташаббусга бажонидил қўшилдилар. Коллективимиз умумхалқ ҳашарини икки босқичда ўтказишга қарор қилди. Бундан мақсад унинг ҳар томонлама самарали бўлишига эришиш эди. Биринчи босқич 9 апрель куни ўтди. Минглаб машинасозларимиз шу кунги шанбаликда фаол қатнашдилар. Иккинчи босқичи эса бугун ўтади.

Заводнинг барча цехлари ва бригадаларида оширилган социалистик мажбуриятлар олинди. Бугун эса эл-юрт олдида берилган ваъданинг тўла устидан чиқиш учун қизғин меҳнат давом этади.

Умумхалқ ҳашарида 6 минг нафардан ортиқ машинасоз қатнашади. Илгари корхонада ишлаб, эндиликда кексалик гаштини сураётган юзлаб ветеран ташсельмашчилар ҳам меҳнат қўйнида жавлон урадилар. Кўпчилик ишчилар ўзларининг иш ўринларини эгаллайдилар. Мутахассисларнинг анчагина қисми ҳам станокларни бошқарадилар. Қолганлари юк ортиш-тушириш, цехлар ва завод территорияларини ободонлаштиришда қатнашадилар.

Коммунистик шанбалик куни иқтисод қилинган хом ашё ва материаллар ҳисобига ишлаш машинасозларимизнинг ажойиб анъанаси бўлиб қолган. Бунинг учун барча ишлаб чиқариш участкаларида турли хил ресурсларни тежаш юзасидан қизғин кураш борди. Бунинг натижаси анча дуруст бўлди. Масалан, қуювчилар шу куни 70 тонна қуйилманинг ярмидан кўпроғини иқтисод қилинган материаллар ҳисобига тайёрлайдилар. А. Фогел раҳбарлигидаги бригада аъзолари эса шанбаликда оддий кунлардагидан икки машина комплекси кўп беради. В. Грибков бошчилик қилаётган бригада аъзолари топшириқдагидан 20 процент ортиқ маҳсулот тайёрлайдилар, Ҳ. Раҳмонов раҳбарлигидаги бригада аъзолари эса пландагидан ташқари 16 тонна металл прокатини кесадилар. Д. Атаманов, Б. Абдужафаровлар бош бўлган коллективлар ва бошқа бригадалар ҳам топшириқни 120 процентга етказиб бажарадилар.

В. КЛЕМЕНТЬЕВ,
«Ташсельмаш» заводининг мутахассиси.

## Бир ярим баравардан

ТОШКЕНТ тўқимачилик комбинатининг Паркентдаги филиали ишчилари ҳам В. И. Ленин таваллудининг 118 йиллигига бағишлаб ўтказиладиган умумхалқ ҳашарида актив қатнашадилар. Амалга ошириладиган ишлар режалаштириб қўйилди. Меҳнат байрами куни коллективнинг 220 нафар тўқувчиси ўз дастоҳларида меҳнат қилади. Нафиса Йсроилова, Сайёра Жўраева, Азиза Ҳакимова ва Умида Хаитовалар каби илғор тўқувчилар бир ярим нормадан иш бажаришга сўз беришди.

100 нафар ишчи-хизматчи эса филиал территориясида ободонлаштириш ишлари билан банд бўлади. Шанбаликда ишлаб топилган 600 сўмлик иш ҳақи беш йиллик фондига ўтказилади.

М. МИРКАМОЛОВ.

# Адабиёт ва санъат

## Ҳайдар Муҳаммад—редакциямиз меҳмони

## «Табиат — бизга онадир...»



Шоир ва драматург Ҳайдар Муҳаммаднинг 200 га яқин шеърларига куй басталанган. Унинг «Тошкентнинг нозанин маликаси» музикали драмаси Бутуниттифоқ конкурси дипломи билан тақдирланган. Булардан ташқари, «Чиройли аёлнинг илтимоси», «Собир Раҳимов ва хоин», «Ипак гиламлар» сингари бир пардали пьесалари халқ театрлари репертуаридан мустаҳкам ўрин олган. «Ипак гиламлар» республика конкурсининг мукофотига ҳам сазовор бўлди. Муаллифнинг «Сув — оби-ҳаёт» сюжети асосида суратга олинган «Наштар» киножурналининг шеърий фельетони Ўзбекистон ССР Табиатни муҳофаза қилиш жамиятининг мукофоти ва дипломи билан тақдирланди.

Шунингдек, ижодкорнинг «Кўнгил — чинни пиёла» пьесаси республикамиз ва Қирғизистон театрларида ўйналмоқда. Ўзбек халқ эртаклари мотивлари асосида яратган «Элёр ботир» пьесаси эса ўтган йили Наманган область театрида саҳналаштирилди. Унинг таржимасида Ҳ. Мухторовнинг «Неваралик келин», Анорнинг «Занжир ва қиёфалар» комедиялари ҳам саҳналаштирилди. М. Ворфоломеевнинг «Эрмон» пьесаси эса радиопостановка қилинди.

Қуйида сиз Ҳ. Муҳаммаднинг янги шеърлари билан танишасиз.

### ОРОЛНИ АСРАЙЛИК

Оролни асрайлик, азиз одамлар,
Қора булут бўлиб учиб кетмасдан.
Денгизни сақлайлик, ғанимат дамлар,
Мулкимиз осмонга кўчиб кетмасдан.
Оролнинг бағрида туғилган булут
Ҳаёт келтиради шу даламизга.
Ёмғир — она-ерга баракаю қут,
Боиси, табиат — онадир бизга!
Орол қуриб қолса туз ёғар дерлар,
Туз ва қумлик ёғса — офатдир, ахир!
Саҳрога айланар жаннатбахш ерлар,
Бу замин бўлади қуп-қуруқ, тақир.
Оролни асрайлик қошу қароғдек,
Мажлислар қарорин кутиб турмасдан.
Денгиздан ажралиб, сўнг қолиб доғда,
Сувни ҳам бировдан сўраб юрмасдан.
Оролни асрайлик, азиз одамлар!..

### АЁЛ ҚЎЛЛАРИ

Қўлларинг теккан жой
Гўзал бўлур, кўрсатиб чирой.
Сенинг меҳринг ардоғида
Гўдак бўлур инсон, —
Кўчат бўлур гул.
Сенинг қўлларингдан
Ширин бўлур ҳар қандай таом.
Аёл қўлидаги дутор тилга кирса —
Булбул бўлур лол.
Кел, жонгинам, кўзимга суртай
Шу покиза қўлларингни.
Шу тоб кўзим равшан тортар,
Ишончим комил.
Аёл қўлларидан офтоб ҳароратию
Меҳр нурлари таралар.
О, аёл қўлларин кўрмаган эркак
Лаззат билмас, ташландиқ тўнгак.

### ГУНОҲИМ НИМА?

(ИЧКИЛИКБОЗ ОИЛАСИДА НОГИРОН ТУҒИЛГАН ФАРЗАНД ТИЛИДАН).

Гуноҳим не эди, эй, отажоним,
Дунёга мажруҳ ҳолда туғилдим.
Нонлож ҳасратда қоврилар жоним,—
Эркин нафас олмай роса бўғилдим.
Оёғим судралар, лиқилдоқ бўйним,
Вужудим майишган, яримдир миям.
Кўзларим шилпиқ, осилган тилим,
Ахир, шу ҳолатда бўлдимми одам?
Болалар тош отар мени кўришса,
Масхаралаган каби қилишар майна.
Розийдим дўппослаб роса уришса,
Ашаддий душманим бўлди тошойна.
Дилда на умид бор, на бордир орзу,
Бахт ҳақида ўйлаш ўзи бекор гап.
Ният қилган билан ушалармн у,
Ёндан ўтиб кетар бериб менга чап.
Врачлар — ширин сўз, юпатишга зўр,
Одам бўлишимни қилар каромат.
Биламан, бўламан ногирон, нонхўр,
Ҳаёт — ҳаёт эмас, гўё қиёмат.
Отажон, сиз ичган арақнинг заҳри—
Касофати келиб менга урибди.
Қаранг, ёнингизда кўзи мўлтираб
Ногирон бир вужуд—фарзанд турибди.
У мен—тирик мурда, ортиқча бир юк, —
Ташлашга кўз қиймас, кўтариш оғир.
Кўз ёшим қон каби аччиқ ва қуюқ,
Отажон, ёшимни силиб қўйинг бир.
Гуноҳим не эди, азиз отажон?..

ДИҚҚАТ: ПРЕМЬЕРА

### «МАРҲУМНИНГ ҲУРМАТИ»

РЕСПУБЛИКА Киночилар уйида «Ўзбекфильм» студиясида ишланган «Марҳумнинг ҳурмати» бадиий фильмининг премьераси бўлиб ўтди. Картина сценарийси таниқли адиб Саъдулла Сиёев қаламига мансуб. Уни режиссёр Темир-Малик Юнусов экранлаштирди. Фильмдаги бош ролни Ҳусан Шарипов ижро этган. Шунингдек, Ҳожиакбар Нурматов, Хайрулла Саъдиев каби актёрлар талқин этган образлар ҳам томошабинларга манзур бўлди.

Премьерадан олдин фильмни яратган ижодий коллектив билан танишув бўлиб ўтди. Ўзбекистон ССР Кинематографчилар союзи правлениесининг раиси Малик Қаюмов Темир-Малик Юнусовнинг ижоди ҳақида қисқача гапириб ўтди ва уни СССР Кинематографчилар союзига қабул қилинганлиги билан табриклади. Шунингдек, режиссёр Элёр Эшмуҳамедов ва кинодраматург Одилшо Агишевлар ҳам ўз ҳамкасбларининг ижодининг характерли қирралари ҳақида сўзлаб, уни СССР Кинематографчилар союзига қабул қилинганлиги билан табрикладилар.

Ҳ. АКБАРОВ.

### УМИДЛИ СОЗАНДА

ОЙБЕК Саматов дастлаб Глиэр номли республика музика билим юртида соз чалиш сирларини қунт билан ўрганди. Тинимсиз машқ қилиш ёш созандани эзгу мақсадига етказди. У 1986 йили Т. Жалилов номли халқ чолғу ансамбли оркестрига ишга қабул қилинди. Мана икки йилдирки, О. Саматов ана шу коллектив билан Иттифоқимизнинг кўпгина шаҳарларида бўлиб, ижрочилик маҳоратини намойиш этмоқда. Айни чоғда у консерваториянинг 5-курсида таълим олаяпти.

Яқинда ёш созандаларнинг V республика конкурсида О. Саматов ҳам иштирок этиб, мазкур ижодий баҳснинг ғолиблари сафидан ўрин олди. Умидли ижрочининг бу муваффақиятида унинг устози Ш. Зияевнинг ҳам хизматлари каттадир.

Ҳ. МИРЗАКАРИМОВ, автор фотоси.



ШОИРГА ЁДГОРЛИК

### • Инсон хотираси азиз

ЯҚИНДА Бўстонлиқнинг Паргиз посёлкасида таниқли шоир, таржимон ва моҳир хаттот Сирожиддин Сидқий Хондайлиқий қабрига ёдгорлик ўрнатилди. Ёдгорликнинг очилиши муносабати билан бу ерга шоирнинг ҳамқишлоқлари, яқин кишилари ва партия, совет ташкилотларининг вакиллари тўпландилар.

Йиғилишни район Совети ижроия комитети раисининг муовини В. Қодиров очди. Шоирнинг ҳамқишлоқлари, уни яхши билган кексалар, меҳнат ва уруш ветеранлари, шунингдек, ёзувчи ва публицист Дадахон Нурий Сидқий Хондайлиқийнинг ҳаёти ҳамда ижоди хусусида гапирдилар, шоир қабрига гулдаста қўйдилар.

А. АСИЛОВ.

### • Китоблар оламида

#### МАДАНИЙ ҲАМКОРЛИГИМИЗ САҲИФАЛАРИДАН

**«Фан» нашриёти тарих фанлари доктори, профессор И. Низомиддиновнинг «Ўрта Осиё — Ҳиндистон муносабатларига доир» брошюрасини босмадан чиқарди.**

ЎРТА ОСИЁ ва Ҳиндистон халқлари ўртасидаги маданий алоқалар ҳар иккала халқ маданиятларининг тобора бойиб боришига қулай имкон яратди. XVI асрнинг иккинчи ярмида Шимолий Ҳиндистонда ўзига хос миниатюра мактаби вужудга келиб, унга Ўрта Осиёнинг зукко мўйқалам соҳиблари раҳнамолик қилдилар.

Авторнинг ушбу рисоласида юқоридаги масалалар билан бир қаторда ўрта осиёлик сайёҳларнинг Ҳиндистон ҳақидаги асарлари таҳлилига, шунингдек ўзбек ва тожик тилларига ағдарилиши воситасида Ҳиндистон халқлари илмий-маданий меросининг Ўрта Осиёда ёйилиш масаласига катта ўрин берилади.

Рисола кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

●

#### «ОДАМ: ҲАЁТИ ВА МАНГУЛИГИ»

**«Ўзбекистон» нашриёти М. Умаровнинг юқоридаги ном билан аталган рисоласини босмадан чиқарди.**

МУАЛЛИФНИНГ мазкур брошюрасида одам ва унинг ҳаёти ҳақидаги илмий ва диний тасаввурлар ҳақида фикр юритилади, ғайри илмий уйдирмаларнинг асоссизлиги фош этилади. Рисола кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

●

#### «СЎЗ ХУСУСИДА СЎЗ»

**«Ёш гвардия» нашриёти таниқли тилшунос олим Алибек Рустамовнинг «Сўз хусусида сўз» китобини чоп этди.**

КИТОБДА ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятлари, муомала одоби, сўздан сўзнинг фарқи борлиги ҳақида баҳс юритилади. Мамлакатимизда тилшунослик сиёсатининг тўғри йўлга қўйилганлиги, Ленин партиясининг миллий маданият, миллий тилларга қилаётган беқиёс ғамхўрлиги таъкидланади. Мазкур китоб кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Р. ТИЛЛАЕВ.

### ВИДЕОФИЛЬМ КЎРИШНИ ИСТАСАНГИЗ...

**Сўнгги вақтда аҳоли ўртасида видеофильмларга бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Шунинг учун ҳам кўпгина видеосалонлар ташкил қилиняпти. Шу муносабат билан мухбиримиз У. Абдушоҳидов кинофильмлар прокати область идораси директори А. Исҳоқов билан суҳбатда бўлди.**

— **Аъзамжон Ғиёсович, областимизда фаолият кўрсатаётган видеосалонлар кўлами ҳақида гапириб берсангиз.**

— Областимизда ҳозирги кунда ўттиздан ортиқ видеосалонлар ишлаб турибди. Хусусан, Ангрен ва Бекободда бештадан, Янгиободда тўртта, Олмалиқда учта, Чирчиқда эса иккита шундай салонлар мавжуд. Уларнинг сони борган сари кўпаймоқда. Аммо, бу видеосалонлар аҳоли талабини тўла даражада қондиролмайди. Шуни ҳисобга олган ҳолда махсус видеокинотеатрлар қуриш эҳтиёжи туғилаяпти. Областимиздаги дастлабки бундай муассасани бунёд этиш ишлари Чирчиқ шаҳрида ниҳоясига етказилмоқда. У бирваракайига юзта томошабинга хизмат кўрсата олади. Шуни ҳам айтиб ўтиш кераккн, мазкур видеокинотеатр Японияда ишлаб чиқарилган видеотасвир мосламалари билан жиҳозланган. Унинг ҳажми 2х3 метрли экрани тасвирнинг юксак даражада сифатли бўлишига имкон беради.

— **Мавжуд салонларни видеофильмлар программалари билан таъминлаб туриш қандай амалга оширилмоқда?**

— Бунинг учун кинофильмлар прокати область идораси қошида видеотека очишга қарор қилинди. У шу йилнинг январидан фаолият кўрсата бошлади. Бугунги кунда бу ерда 200 дан ошиқ видеопрограммани ўзида мужассамлаган 300 га яқин видеокассета мавжуд.

— **Кейинги пайтларда областимизда шахсий видеомагнитофонлар сони кўпайиб бораётганлиги сабабли ундан якка ҳолда фойдаланиш ҳам кенг оммавийлашмоқда. Ана шундай хусусий магнитофон эгаларига қандай хизмат кўрсатилаяпти?**

— Аввало, видеокассеталарни якка тартибда прокатга олувчи бундай одамларнинг эҳтиёжлари атрофлича ўрганилмоқда. Қолаверса, 1 апрелдан бошлаб, область кинопрокат идорасининг видеотекаси фақатгина давлат кинотармоғига қарашли видеосалонларгагина эмас, балки вақтинча фойдаланиш учун алоҳида шахсларга ҳам видеокассеталар бермоқда.

Видеотекамиз Тошкент шаҳри, Қатортол кўчасидаги 117-уйда жойлашган. Батафсил маълумот олишни истаганлар телефон орқали (76-88-26) мурожаат қилишлари мумкин.

